

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ДАРМОНОВА МАШХУРОХОН АДИЛЖОН ҚИЗИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ: ТАРИХИ,  
ЖАМҒАРМАЛАР ТАСНИФИ ВА ТУРКУМ МАНБАЛАР  
ТАҲЛИЛИ**

**07.00.08. – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот  
усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Дармонова Машхуроҳон Адилжон қизи**

Тошкент шаҳар марказий давлат архиви: тарихи, жамғармалар  
таснифи ва туркум манбалар таҳлили.....

**Дармонова Машхуроҳон Адилжон қизи**

Центральный государственный архив города Ташкента: история,  
классификация фондов и анализ комплекса источников.....

**Darmonova Mashkxurokhon Adiljon qizi**

Central state archive of Tashkent city: its history, classification of its funds  
the analyses of complex sources .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ДАРМОНОВА МАШХУРОХОН АДИЛЖОН ҚИЗИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ: ТАРИХИ,  
ЖАМҒАРМАЛАР ТАСНИФИ ВА ТУРКУМ МАНБАЛАР  
ТАҲЛИЛИ**

**07.00.08. – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Tar215 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tarix.uz](http://www.tarix.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дониёров Алишер Худойбердиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**


Наманган давлат университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» шОНБ соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тарих институти 2-қават Мажлислар зали. Тел.: (99871)233-54-70; факс: (99871)233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz.Тарих институти).


Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871)262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» шОНБ куни таркатилди.  
(2020 йил «1» шОНБ даги 10 - рақамли реестр баённомаси)



  
**А. С. Сағдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор, академик.

  
**М. Х. Пайзиёва**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
т.ф.н.

  
**А. Х. Дониёров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамиятининг интеллектуал маданиятида катта ўрин тутувчи архивлар давлат ва жамият ўтмиши, бой тарихини келгуси авлодларга етказишда муҳим восита, ахборот манбаи бўлиб, уларни сақлаш ва ўрганиш жуда катта билим, маҳорат ҳамда эътиборни талаб қилади. Замонавий медиа майдонда архивларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бораётган бугунги кунда архив ишини такомиллаштириш, унинг фаолиятини замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш, сақланаётган ахборот ва манбаларни тизимли ёндошув асосида чуқур таҳлил қилиш, замонавий ҳужжатларни архивлаштириш масалалари нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Марказий Осиё минтақаси тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манбавий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистонда сақланаётган архив ҳужжатлари ҳамда уларни тадқиқ этиш борасида дунёнинг етакчи илмий марказларида тадқиқотлар олиб борилмоқда<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакат архив соҳасига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Архивлар моддий-техника базасининг кучайтирилиши, замонавий архив биноларининг барпо этилиши, архив учун тажрибали кадрлар тайёрланиши, уларнинг малакаларини ошириш мақсадида турли мамлакатларга юборилиши ходимлар салоҳиятини кучайтириш билан бирга, соҳани янада сифатли ва янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга имкон яратмоқда. Ушбу ҳолатлар диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб, унинг доирасида Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг тарихи, фаолиятини ўрганиш, долзарб муаммоларини аниқлаш, архив жамғармаларини классификация қилиш, уларни Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги манбавий аҳамиятини очиқ бериш орқали нафақат илмий, балки амалий натижаларга ҳам эришиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5834-сонли Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4463-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 482-сонли қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Бутун Россия ҳужжатшунослик институти ва архив иши илмий тадқиқот институти (Всероссийский научно-исследовательский институт документоведения и архивного дела (ВНИИДАД)), Блумингтон Индиана университетининг Марказий Евросиё тадқиқотлари департаменти (Indiana University Bloomington), Германиядаги Мартин Лютер университетининг Шарқшунослик институти (German: Martin - Luther -Universität Halle-Wittenberg), Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти (Institute of Iranian Studies Austrian Academy of Sciences).

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга оид тадқиқотларни мазмун ва даврийлик жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) совет даврида нашр этилган адабиётлар; 2) мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; 3) хорижий тадқиқотлар.

Совет даври тарихий адабиётларига М. Изаксон<sup>2</sup>, И.О. Первишев<sup>3</sup>, И.А. Алимов<sup>4</sup>, Н.В. Мандральская<sup>5</sup> ва бошқа бир қатор муаллифларнинг асарларини киритиш мумкин. Уларда архив тушунчаси, архив муассасалари фаолияти, уларнинг асосий йўналишлари, архив ҳужжатларини нашр қилиш, археография назарияси ва методикаси ҳамда кино, сурат ва овозли ҳужжатларни архивлаштириш масалалари, уларни нашр этиш хусусиятларининг умумий томонлари ёритиб берилган.

Мустақиллик даври тадқиқотларини концептуал моҳиятига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин. Жумладан: 1) архив иши ва архивлар тарихи бўйича яратилган Г.С. Тилеукулов<sup>6</sup>, М.С. Исакова<sup>7</sup>, А.В. Маҳкамовларнинг тадқиқотлари<sup>8</sup>; 2) архив манбашунослиги масалаларига бағишланган Д.А. Алимова<sup>9</sup>, Д.Х. Зияева<sup>10</sup>, С.Б.

---

<sup>2</sup> Изаксон М. Национальные фонды Центрального архива УзССР в Ташкенте // Библиография Востока. – Л., 1932. – №1. – С. 55-72.

<sup>3</sup> Первишев И. О документальной базе для историографии феодальной формации в Средней Азии // Революция и культура в Средней Азии. Сборник первый. – Т., 1934. – С. 106-111.

<sup>4</sup> Алимов И. А., Мирзабаев А. А. Справочник по архивному делу в Узбекистане (1918-1968 гг.). – Т.: Узгипрозем, 1970. – 75 с.

<sup>5</sup> Мандральская Н. В. Аудиовизуальные источники историко-партийной науки и их использование в изучении деятельности партии (на материалах периода Великой Отечественной войны 1941-1945гг.): Дис. ... канд. истор. наук. – Т., 1981; Мандральская Н.В. Запечатленные образы войны. – Т., 1989.

<sup>6</sup> Тилеукулов Г. С Архивное дело в Узбекистане (1918-1980г.г.) Опыт и проблемы: Дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1995.

<sup>7</sup> Исакова М. С. История Центрального государственного архива кинофотофонодокументов и его деятельность по созданию фондов культуры Узбекистана: Дисс. ... канд. истор. наук. – Т.: НУУз, 2004; Исакова М. С. XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши: Докторлик дисс. ... автореферати. – Т., 2017. (– 279 б.); Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Т.: Университет, 2012. – 204 с.

<sup>8</sup> Маҳкамов А. В. Государственному архиву города Ташкента – 35 лет // Отечественные архивы. – М., 2009. - № 1. С. 131-133.

<sup>9</sup> История образования в архивных источниках (по материалам ЦГА РУз). Том I. (1867-1917гг.): сборник документов / составители: Д. А. Алимова [и др.]. – Т.: Yangi nashr, 2015. – 204 с.; История образования в архивных источниках (по материалам ЦГА РУз). Том II. (1917-1991гг.): сборник документов / составители: Д. А. Алимова [и др.]. – Т.: Yangi nashr, 2015. – 504 с.

<sup>10</sup> Зияева Д. Х. Архив манбашунослигини ривожлантириш масалалари // Тарих фани ва архив иши: интеграция муаммолари. Академик Я.Ғуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” республика илмий семинари материаллари тўплами. Т.: Фан, 2010. Б.88-92; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда тарих фани ва архив ишининг интеграцияси масалалари. // “ЎзР МДАнинг манбашунослик соҳаси ривождаги роли: 2015 йилда ҳамкорликда бажарилган нашрлар семинар тақдироти”. Т., 2016; Ўша муаллиф. Архивлар Ўзбекистон тарихи ва интеллектуал меросининг муҳим манбаи сифатида // “Медиа

Шадманова<sup>11</sup>, Б.Э. Эргашев<sup>12</sup>, Ш.Ш. Чориев<sup>13</sup>, Х. Бўриеваларнинг асарлари<sup>14</sup>; 3) архившунослик йўналишидаги И.А. Алимов<sup>15</sup>, В.Г. Иофе<sup>16</sup>, М.С.Исаковаларнинг<sup>17</sup> тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу илмий мақола ва тадқиқот ишларида Ўзбекистонда архив иши соҳасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳамда бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар кўрсатиб берилган. Тадқиқотчилар Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатлардан фақатгина мавзусига оид маълумотларни олган. Бироқ, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви тарихи, фаолияти ва жамғармалар таснифига оид изланишлар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган.

Архив иши ва уни ташкил этиш борасидаги маълумотлар бир қатор хорижлик тадқиқотчиларнинг асарларидан ўрин олган. Жумладан, Артур Горак<sup>18</sup>, М.В. Ларин<sup>19</sup>, Д.Ю. Абдукадирова<sup>20</sup>, Адиб Халид<sup>21</sup>, Пол Стронский<sup>22</sup>, Чандр Шекхар<sup>23</sup>, Жевет Экичи<sup>24</sup> каби муаллифлар ўз тадқиқотларида архив ишини

---

майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Термиз, 2019. – Б. 208-213.

<sup>11</sup> Шадманова С. Б. Архивные документы – важный источник изучения истории периодической печати Туркестана. По материалам Центрального государственного архива Республики Узбекистан // Вестник архивиста. – М. 2009. - № 3. – С. 23-37; Шу муаллиф. Tarixiy tadqiqotlarning metodologiyasi va zamonaviy usullari. Darslik. – Т.: Barkamol fayz media, 2018, – 216 b.

<sup>12</sup> Эргашев Б. Э. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш фаолияти (тарихий-манбавий таҳлил): Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. ... автореферати. – Т., 2018. 72 б.

<sup>13</sup> Чориев Ш. Ш. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармалари – Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнларни ёритувчи манба сифатида: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... автореферати. – Т., 2018.

<sup>14</sup> Бўриева Х. А. Тошкент шаҳри жой номлари тарихидан (1917-1980 йиллар). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси – Т.: 2012. 122 б.

<sup>15</sup> Архившунослик: Ўқув қўлланма / И. Алимов, Ф. Эргашев, А. Бўтаев. / Масъул муҳаррир О. Тошмухамедов/. – Т.: Шарқ, 1997. – 80 б.

<sup>16</sup> Архившунослик / Иофе В. ва бошқ. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Чўлпон, 2007. – 192 б.

<sup>17</sup> Исакова М. Архившунослик. / Ҳаммуаллифликда. Олий таълим ўқув муассасалари талабалари учун дарслик. Т.: Чўлпон, 2017. – 192 б.

<sup>18</sup> Артур Горак. Польская архивная система: от теории к практике / III Летней школы молодых архивистов стран СНГ. 9–15 июня 2019 г., г. Алматы.

<sup>19</sup> Ларин М. В. Вопросы подготовки архивистов в условиях формирования цифровой экономики / III Летней школы молодых архивистов стран СНГ. 9–15 июня 2019 г., г. Алматы.

<sup>20</sup> Абдукадирова Д. Ю. Цифровизация архивов: вызовы эпохи и архивные практики (Казахстан) / III Летней школы молодых архивистов стран СНГ. 9–15 июня 2019 г., г. Алматы.

<sup>21</sup> Khalid A. Tashkent 1917: Muslim Politics in Revolutionary Turkestan,” *Slavic Review* 55 (1996): 270-296; “From Reform to Revolution: Central Asian Jadidism, 1917-1920,” presented at a workshop on “The Soviet Legacy, Islam, and Civic Society in Central Asia,” Utrecht University, Utrecht, October 1997; also at MESA, San Francisco, November 1997.

<sup>22</sup> Paul Stronski . Tashkent: Forging a Soviet City (1930-1966). University of Pittsburgh Press, 2010.

<sup>23</sup> Chander Shekhar . Archival Documents of Dargah of Hazrat Gesuderaz: Intervention and confrontation by Dargah’s Sajjada Nashins // “Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Термиз, 2019. – Б. 66-72.

марказлаштиришдаги совет сиёсати ва унинг оқибатлари, архив ишига доир қонунларни қиёсий таҳлил этиб, мустақиллик йилларида архив ишини ахборотлаштириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш масалаларини очиб берганлар.

Шу билан бирга, мавзуни ёритишда даврий матбуот материалларида чоп этилган илмий ва оммабоп мақолалар ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан, “Ўзархив” агентлигининг Ахборотномаси, “Тошкент оқшоми” ёки “Вечерний Ташкент<sup>25</sup>”, “Правда Востока<sup>26</sup>”, “Fidokor<sup>27</sup>”, “Milliy tiklanish<sup>28</sup>”, “Халқ сўзи” газеталари, ЎзМУ “Тарихий манбашунослик муаммолари” илмий-амалий анжуман материаллари ва бошқа илмий тўпламларда мавзу тарихшунослигига оид бир қатор материаллар чоп этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси ЎзР ФА Тарих институти тадқиқот ишлари режаси билан бевосита боғлиқ. Тадқиқот ЎзР ФА Тарих институтида олиб борилган “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг шаклланиш тарихи, фаолияти, ривожлантириш муаммоларини аниқлаш, архив жамғармаларида сақланаётган манбаларни йўналишлар бўйича таснифлаш, ҳужжатларни муаммовий ёндошув асосида таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

архивнинг шаклланиш тарихи, фаолияти ва ривожланиши масалаларини ўрганиш ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

жамғармаларни тарихий жараёнлар йўналишлари (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, бошқарув тизими ва бошқа соҳалар) ҳамда даврийлик ва контент анализ (мазмуний таҳлил) асосида классификация қилиш;

жамғармадаги ҳужжатлар таҳлили асосида ХХ асрда жамият ҳаётида кескин ўзгаришларга олиб келган муҳим тарихий воқеалар ва жараёнларни акс эттирувчи манбаларни аниқлаш ва илмий истеъмолга киритиш;

ТШМДА жамғармалари ва ҳужжатлари маълумотномасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг шаклланиш тарихи, ривожлантириш масалалари ҳамда унинг жамғармаларини тарихий манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармалари ҳамда ҳужжатлари, архив тарихи, фаолияти билан боғлиқ тарихий

---

<sup>24</sup> Cevet Ekici. Turkiye cumhuriyeti cumhurbaskanligi devlet arshivleri baskanligi belgelerin kataloglanmasi ve e-katalog hazirlanmasi // “Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Термиз, 2019. – Б. 302-308.

<sup>25</sup> Махкамов А. В. Здесь сохраняют историю // Вечерний Ташкент. – 2008. - № 24.

<sup>26</sup> Кучарова Д. Л. По страницам истории Ташкента // Правда Востока. – 2008. - № 226.

<sup>27</sup> Махкамов А. В. Касаначилик архив ишида ҳам йўлга қўйилди // Fidokor. – 2008. - № 31.

<sup>28</sup> Махкамов А. В. Архив. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида замонавий технология, услублар ва хориж тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда // Milliy tiklanish. – 2008. - № 4.



маълумотлар, тегишли қарорлар, низомлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот иши давомида тизимлаштириш, манбаларни ички ва ташқи жиҳатдан таҳлил этиш, қиёсий ва мазмуний таҳлил ҳамда муаммовий-даврий ёндошув каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX аср 70-йиллар бошида ҳудудий архивлар тизимини кенгайтириш сиёсати натижасида пойтахт аҳамиятига эга бўлган архив ҳужжатларини алоҳида сақлаш учун Тошкент шаҳар давлат архивининг ташкил этилиши тарихий босқичлари ҳамда архивнинг замонавий фаолияти, ҳужжатларнинг жамланиш ҳолати, архив соҳасидаги ҳуқуқий ва ташкилий ислоҳотлар, хизмат кўрсатиш сектори модернизацияси, ахборот технологияларини жорий этилиш жараёнларининг ривожланганлиги аниқланган;

700га яқин архив жамғармалари таркибида сақланаётган ҳужжатларнинг манбавий тавсифи ишлаб чиқилиб, унинг асосида шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида чуқур из қолдирган жараёнлар, хусусан, совет ҳокимиятининг национализация, муниципализация, жамоалаштириш, “қулоқлаштириш” сиёсатининг амалга оширилиши натижасида хусусий мулкчилик тугатилганлиги, давлат монополияси ўрнатилганлиги ва иқтисодий тараққиёт издан чиққанлиги илмий билимларнинг ривожланиш жараёнлари контекстида очиб берилган;

100дан ортиқ йиғмажилдлар таркибида мужассамлашган 3 мингдан зиёд архив манбалари илмий истеъмолга киритилиши натижасида Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушига қўшган улкан ҳиссаси, яъни Тошкент шаҳрига эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш, ёш болаларни қарамоғига олиш, фронтга хом ашё, озиқ-овқат ва моддий ёрдам юборилганлиги тарихий фактлар билан асосланган;

мустақиллик йилларига оид архивда сақланаётган маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт муассасалари фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар аниқланиши натижасида, аҳоли демографияси, олий ва ўрта махсус ҳамда умумтаълим мактаблар тизими, тиббий ва соғломлаштириш масканлари фаолиятининг ўсиш динамикаси ва ривожланганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳар марказий давлат архивида сўнгги 50 йил мобайнида жамланган ва сақланаётган 674 та жамғарма ўрганилиб, йўналишлар бўйича тавсифланди ва давлат бошқарувида оид 40га яқин жамғармалар, суд-ҳуқуқ тизимига оид 20дан ортиқ жамғармалар, шаҳар иқтисодий масалаларига оид жумладан, молия, иқтисод ва солиқ йўналишидаги 25 та жамғарма, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқлари ҳисобланган 48 та завод, 21 та артел, 14 та фабрика, 8 та комбинат, 3 та фирманинг жамғармалари, қурилиш ташкилотларининг 13 та жамғармаси ўрганилиб, мазмуни ва тарихий-манбавий аҳамияти баҳоланди.

Бундан ташқари, ижтимоий муассасалар, яъни фан, таълим ва маданият, меҳнат ва ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, алоқа, транспорт ҳамда қасаба уюшмаларининг жамғармалари архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил

қилинди, улардаги ҳужжатлар тавсифланиб, архивнинг жамғармалар бўйича маълумотномаси тузилди ҳамда фойдаланишга топширилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда муаммонинг мазмунини очиб беришда Ўзбекистон Миллий архиви ва Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармаларида сақланаётган бирламчи архив манбаларидан фойдаланилганлиги, тадқиқ этилаётган мавзуга оид адабиётлар, яратилган илмий ишларнинг таҳлил қилинганлиги, диссертация натижалари амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган илмий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан изоҳланадики, архив жамғармаларида совет ва мустақиллик даври тарихини акс эттирган, илк маротаба илмий истеъмолга киритилган янги маълумотлар Тошкент шаҳар тарихини ёритишга, архив манбашунослигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг 2-бобида давлат архивидаги 674 та жамғармалар классификация қилиниб, архив жамғармалари ҳақида маълумот берувчи “Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотнома” нашр этилди. (Дармонова М.А. Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотнома. – Т.: Im-ziyo-zakovat, 2019. – 179 б.)

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг тарихи, жамғармалар таснифи ва туркум манбалар таҳлили масалалари бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, жамғармадаги тарихий ҳужжатлар тавсифи, мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston tarixi» телеканалда 2019 йил 9 октябрда эфирга узатилган «Тақдимот» дастурининг “Тошкент шаҳар марказий давлат архиви тарихи ва тарихий манбалари” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 11 ноябрдаги 02-40-2352-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши пойтахт архивининг тарихи ва замонавий фаолияти, ҳужжатлар билан жамланиши ҳамда жамғармалар мазмунини ёритиб беришга хизмат қилган;

Тошкент шаҳар марказий давлат архивидаги 1917-2019 йилларга оид 674 та жамғарма тизимлаштирилиб, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органлари, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодий ва халқ хўжалиги, халқ таълими, фан, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг асосий фаолияти ва шахсий таркибини акс эттирувчи жамғармалар мазмуни бўйича ўзбек тилида қисқа ахборот берувчи архив маълумотномаси тузишда фойдаланилган (Тошкент шаҳар Архив иши ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 02 декабрдаги 01-18/590-сон маълумотномаси). Архив фаолияти учун тақдим этилган жамғармалар бўйича тавсифли архив маълумотномаси (справочник) мутахассислар, тарихчилар ва

фойдаланувчиларга архив манбалари билан ишлашда илмий-амалий йўриқнома сифатида хизмат қилган;

Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармаларидаги ҳужжатлар таҳлили асосида, пойтахтдаги таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ва спорт иншоотлари масалаларининг ёритилишига оид илмий натижаларидан Тарих институтида бажарилган Ф1-ФА- 0-11986 рақамли “Ўзбекистон шаҳарлар тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 10 мартдаги 3/1277-0903-сон маълумотномаси). Келтирилган маълумотлар шаҳар ижтимоий инфратузилмасида таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис, маданий масканлар, аҳоли учун қулай шарт-шароит ҳамда соғлом турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилувчи объектлар фаолиятини ёритишда асос сифатида хизмат қилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Диссертациянинг натижалари 15 та конференцияда, жумладан, 5 та халқаро ҳамда 10 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан 1 та архив маълумотномаси (справочник), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, булардан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати, изоҳли сўзлар ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 155 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган ҳолда, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тошкент шаҳар марказий давлат архиви (ТШМДА)нинг шаклланиш тарихи ҳамда замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи боби республикадаги ҳужжат сифими жиҳатидан йирик ҳудудий архивлардан бири бўлган Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг ташкил этилишидан то бугунги кунгача бўлган фаолияти, архив соҳасидаги ислохотлар ва муаммоларга бағишланган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи “ТШМДА нинг ташкил топиши, таркибий тузилиши ва ривожланиш тарихи” деб номланади. Тошкент шаҳар совети ижроия қўмитасининг 1973 йил 11 июндаги 420-р сонли фармойиши ва 1 июлдаги қарори билан Тошкент вилояти давлат архиви асосида Тошкент шаҳар давлат архиви<sup>29</sup> ташкил этилган<sup>30</sup>.

Шаҳар архивига 1974-1975 йиллардан бошлаб, Тошкент вилояти давлат архиви ҳамда жамлаш манбаига киритилган Тошкент шаҳридаги 210 та корхона, ташкилот ва муассасадан ҳужжатларни жамлаб олиш ишлари бошланган. Илк бор 170000 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қабул қилиб олинган бўлиб, 60000 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар ЎзССР МДАдан, 110000 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар эса Тошкент вилояти давлат архивидан қабул қилинган<sup>31</sup>. Тошкент шаҳар давлат архивида 1975 йил бошида 20 та жамғарма, 36 та рўйхат, 30547 сақлов бирлигида ҳужжат мавжуд бўлган<sup>32</sup>. Ушбу йилда архив жамлаш манбаига киритилган ташкилотлардан 30 минг сақлов бирлигида йиғмажилдлар қабул қилиниши режалаштирилган бўлса-да, амалда 23754 сақлов бирлигида йиғмажилдлар қабул қилиб олинган.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида тўрт йил ичида архив жамғармалари сони 10 баробар, йиғмажилдлар сони эса 4 баробарга ошган. Жумладан, статистик маълумотларга кўра, 1977 йилга келиб, архив жамғармаларининг сони 359 та бўлиб, уларнинг таркибида 136482 сақлов бирлигида ҳужжатлар сақланган<sup>33</sup>.

Тошкент шаҳар давлат архиви паспорти ҳужжатларига кўра, 1985 йилга келиб, архив майдони 284 м<sup>2</sup> (1294 м<sup>3</sup>)ни ташкил этган. Архив биниси 1649 та (100%) жавон (стеллаж) билан таъминланган. Архивда 383 та жамғарма, 201264 та ҳужжатлар сақланган. Суғурта жамғармасининг 1944 та микрофотонусхалари олинган. Архивда 23 та ходим фаолият кўрсатган<sup>34</sup>.

Тошкент шаҳар марказий давлат архиви зиммасига архив жамғармаларининг йўналиши бўйича ҳужжатлар билан жамлаш, архивнинг ҳисобга олиш тизими ва илмий-маълумот аппаратини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, архивда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари сақловини таъминлаш, архивнинг ахборот базасини кенгайтириш, ҳужжатлардан ҳар томонлама фойдаланиш ва уларни нашр қилишни ташкил этиш, архившунослик, ҳужжатшунослик, археография соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, ўз йўналиши бўйича ҳужжатлар билан ишлашда илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Архив хизматларини кўрсатишда кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан “Ўзархив” агентлигининг 2017 йил 2 июнда қабул қилинган 2-АФ фармойишига асосан Тошкент шаҳар сегментида жисмоний ва юридик шахслар

---

<sup>29</sup> Ташкент. Энциклопедия. Т.: Главная редакция УзСЭ, 1983. – С. 32.

<sup>30</sup> ТШМДА, С-397-жамғарма, 2-рўйхат, 2-йиғмажилд, 1-2-варақлар.

<sup>31</sup> ЎзМА, Р-400-жамғарма, 1-рўйхат, 3189-йиғмажилд, 13-варақ.

<sup>32</sup> Ўша манба, 3218-йиғмажилд, 44-45-варақлар.

<sup>33</sup> Ўша манба, 3360-йиғмажилд, 49-варақ.

<sup>34</sup> ЎзМА, Р-400-жамғарма, 1-рўйхат, 3849-йиғмажилд, 12-13-варақлар.

сўровлари ижросини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ва қулай шароит яратиш мақсадида Тошкент шаҳар давлат архивида “Архив хизматларини кўрсатиш маркази” ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги фармони<sup>35</sup> асосан, Тошкент шаҳар давлат архиви негизида Тошкент шаҳар марказий давлат архиви ташкил этилди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “*Архив фаолиятидаги замонавий ислохотлар, модернизация жараёнлари ва муаммолар*” деб номланади. Мустақиллик йилларида архив соҳасида асосан бундан олдинги даврда шаклланган ва ўзининг самарасини намоён этган давлат архив тизими барча соҳалар каби ислоҳ қилинди. Энг аввало, архив билан боғлиқ қонунчиликни йўлга қўйиш ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратишга катта эътибор берилди<sup>36</sup>.

Архив фаолиятининг муҳим йўналиши – бу фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровномаларига жавоб беришдир. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари миқдори кескин ортганлиги боис ходимлар фаолияти асосан архив маълумотномаларини ўз муддатларида ва сифатли тайёрлаш ишларига қаратилди. Жумладан, Марказий давлат архивига 2013 йилда 480 та, 2014 йилда 838 та, 2015 йилда 810 та, 2016 йилда 720 та, 2017 йилда 1389 та, 2018 йилда 1960 та, 2019 йил 9 ойи давомида эса 1308 та мавзули сўровлар келиб тушган.

Архивнинг ахборот бериш фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Архив ўқув залига ҳар йили 10дан ортиқ тадқиқотчи ва фойдаланувчилар ташриф буюрадилар. Бироқ, шаҳар архивига ташриф буюрган барча фойдаланувчилар рўйхатга олинмаган ва уларнинг шахсий йиғмажилдлари юритилмаган.

Энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири, Тошкент шаҳар марказий давлат архивидаги ҳужжатларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини амалга оширишдир. Ушбу архив ҳужжатларининг мавзулар бўйича илмий тавсифли каталогини, йўлқўрсаткичини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, 2019 йил ноябрь ойида “Ўзбекистонда архивлар тизимининг 100 йиллиги” муносабати билан архивдаги мавжуд 674 та жамғармаларни ўз ичига олган, ўзбек тилидаги яхлит бир “Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотномаси” нашр этилди<sup>37</sup>.

Бугунги кунда ҳукумат томонидан архив соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунга архивлар моддий-техника базасининг яхшиланиши, замонавий архив биноларнинг барпо этилиши, архив ходимларининг малакаларини ошириш мақсадида турли мамлакатларга юборилиши исбот бўла олади. Жумладан, 2019 йилнинг июль ойида шаҳар архивига 10 дона ҳаракатланувчи мобиль жавонлар келтирилиб ўрнатилди. Ушбу жавонлар ихчам бўлиб, ҳажм жиҳатдан анча кам жойни эгаллайди.

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5834-сон Фармони.

<sup>36</sup> Исақова М. С. XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши: Докторлик дисс. ... автореферати. – Т., 2017. – Б. 24.

<sup>37</sup> Дармонова М. А. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотнома. – Т.: Ит-зиyo-zakovat, 2019. – 179 б.

Архивда МАФ ҳужжатларини яхши сақланиши учун аввало, зарурий ҳарорат ва намлик меъёрларига риоя этилиши, архив сақловхоналари замонавий жиҳозланиши, архив ҳужжатларини реставрация қилиш, ҳисобга олиш, қидириб топиш, назорат қилиш ва ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича янги технологияларни жорий этиш, архив жамғармасидаги алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларининг суғурта нусхалари яратилишини ташкил қилиш кун тартибида турган вазифалардан биридир.

2015 йилда “Тошкент шаҳар Халқ депутатлари совети ижроия комитети” (С-0010) жамғармасининг 125 сақлов бирлигидаги ҳужжатлари, яъни 25150 варақ (кадр) рақамлаштирилган<sup>38</sup>. Рақамлаштирилган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг фойдаланиш электрон фонди шакллантирилган. 2017 йилга келиб, 1351 сақлов бирлигидаги 17082 варақ (кадр) шахсий таркиб рўйхатларнинг электрон суғурта ва фойдаланиш жамғармаси яратилган бўлса<sup>39</sup>, 2019 йилда “Ташгорисполком” жамғармасидаги алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 625 сақлов бирлигидаги 165,0 минг варақ (кадр) электрон суғурта нусхаси яратилди<sup>40</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг сақланиши ва уларни сақлаш хавфсизлиги шарт-шароитларини такомиллаштириш ҳамда архив фаолиятига имкон қадар айнан архив йўналишини тамомлаган ёш мутахассис-кадрларни жалб этиш лозим. Малакали архив мутахассисларни илмий ишларга йўналтириш архившунослик ва архив манбашунослигининг истиқболдаги тараққиётига замин яратади. Бугунги кунда архив ҳужжатларининг икки бинода сақланиши ҳам фойдаланувчилар учун қийинчилик туғдирмоқда. Агар ушбу ҳужжатлар бир бинога жамланса, оворагарчиликларнинг олди олиниб, архив фойдаланувчиларининг вақти тежалган бўлар эди. Шу билан бирга, архив фойдаланувчиларига қулайлик яратиш учун архив хизматларига пул тўловларини ўтказиш учун “U-PAY”, “CLICK” электрон тўловларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Архившунослик, ҳужжатшунослик, археография соҳасидаги илмий-методик ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини архив иши ва иш юритиш амалиётига жорий қилиш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Архив жамғармалари ва ҳужжатларининг классификацияси**” деб номланади. Бу бобда Тошкент шаҳар марказий давлат архиви сақловидаги давлат бошқаруви ва давлат бошқарув органлари, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодий ва халқ хўжалиги, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, логистика ва коммунакация тизими, касаба уюшмалари, ижтимоий таъминот муассасаларининг жамғармалари классификация қилиниб, таҳлил қилинган.

---

<sup>38</sup> ТШМДА жорий архиви. Тошкент шаҳрида архив ишини ривожлантириш 2015 йил ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси, 4-варақ.

<sup>39</sup> Ўша жойда, Тошкент шаҳрида архив ишини ривожлантириш 2017 йил ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси, 2-варақ.

<sup>40</sup> Ўша жойда, Тошкент шаҳрида архив ишини ривожлантириш 2019 йил ҳисоботининг таҳлилий маълумотномаси, 1-варақ.

“Бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимига оид жамғармалар тавсифи” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфида Тошкент шаҳар марказий давлат архивидаги 674 та жамғармалар ичида давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органлари ҳамда нотариуслар, халқ судлари, прокуратураларнинг жамғармалари тавсифланган.

Архивда ҳажми жиҳатдан энг катта жамғармалардан бири бўлган Тошкент шаҳар ҳокимияти (С-10) жамғармаси 1917 йилда ташкил этилган бўлиб<sup>41</sup>, унда совет даврига оид 17872 сақлов бирлигида (с.б.) йиғмажилд, М-582 жамғармасида мустақиллик даврига доир 1609 та йиғмажилдлар бор<sup>42</sup>.

Архивда Тошкент Эски шаҳар ишчилар, қизил аскарлар ва деҳқонлар депутатлари Совети (С-12) жамғармаси сақланган бўлиб, жамғармада 1917-1929 йилларни ўз ичига олган 590 та бошқарув ҳужжатлари мавжуд. Улар асосан МИҚ, СССР Совет Халқ қўмитаси ва Туркистон АССРнинг қарорлари, фармойишлари, буйруқлари, кўрсатмалари, циркулярларидан иборат.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг жамғармалари кўриб чиқилганда, 15 га яқин (С-554, С-555, С-220, С-3, С-216, С-1, С-5, С-2, С-8, С-4, С-547, С-562, С-6, С-544) жамғармаларда Тошкент шаҳар Ижроия комитети (Исполком)нинг туман Советларининг бошқарувига оид ҳужжатлар жамланган. Ҳужжатларда туманлар исполкомларининг қарорлари, йиғинларининг фармойишлари, маҳаллий ҳокимият органлари фаоллари йиғилишларининг қарорлари ва баённомалари, Тошкент шаҳар кенгашларининг марказий тармоқ қўмиталари съездлари, пленумлари, президиумларининг баённомалари, баённомаларга илова ҳужжатлар, тавсиялар, йиғилиш стенограммалари каби маълумотлар акс этган.

Архив ҳужжатлари таҳлилига кўра, 1963 йилда давлат бошқарув органлари тизимида Халқ назорат комитетлари вужудга келган. Архивда ушбу комитетларнинг 10 та (С-125, С-48, С-291, С-213, С-396, С-358, С-325, С-395, С-198, С-359, ) жамғармалари мавжуд. Ушбу жамғармаларда 1963-1994 йилларга доир жами 3425 сақлов бирлигида ҳужжатлар сақланмоқда. 1992 йил январь ойидан бошлаб эса, Давлат назорат инспекцияси (М-666, М-672, М-673) деб номланган. Жамғармалардаги ҳужжатлар асосан халқ назорат комитетларининг баённомалари ва уларга иловалар, йиллик иш режалар ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботлар, комитетнинг фаолияти тўғрисида статистик ҳисоботлардан иборат.

Бугунги кунга келиб, архивнинг 12 та (М-582, М-568, М-601, М-569, М-602, М-571, М-600, М-567, М-570, М-608, С-566, М-611) жамғармаларида Тошкент шаҳар ҳокимияти ва туманлар ҳокимиятларининг мустақиллик даври (1992-2015 йиллар) ҳужжатлари, 6 та жамғармада (М-598, М-599, М-629, М-622, М-670, М-674) шаҳар бошқармаларининг ҳужжатлари, М-618-жамғармада Юнусобод тумани “Маҳалла” жамғармаси ҳужжатлари, М-653-жамғармада эса Ўзбекистон

---

<sup>41</sup>Ташкент. Энциклопедия. Т.: Главная редакция УзСЭ, 1983. – С. 32.

<sup>42</sup> Дармонова М. А. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотнома. – Т.: Ит-ziyo-zakovat, 2019. – Б. 133.

Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг 2006-2014 йилларга доир 314 сақлов бирлигида йиғмажилдлари сақланмоқда<sup>43</sup>.

Архив жамғармалари таркибидаги суд, прокуратура ва давлат нотариал идоралари жамғармалари ҳужжатлари суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда уларнинг фаолиятини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Тошкент шаҳар марказий давлат архивининг С-60-жамғармасида Давлат нотариал идорасининг ҳужжатлари сақланмоқда. Унда 1925-1993 йилларга доир 8158 сақлов бирлигида йиғмажилдлар мавжуд бўлиб, улар хонадон ва уй-жой олди-сотди ҳамда ҳаё шартномалари, автотранспорт олди-сотди шартномалари, ишончномалар, гаров шартномалари, бошқа турдаги шартномалар ва нотариал ҳужжатлардан иборат<sup>44</sup>.

Шаҳар архивидаги С-61, С-62, С-63, С-239, С-273-жамғармаларда халқ судларининг 9836 сақлов бирлигида йиғмажилдлари мавжуд.

Тошкент шаҳар прокуратураси<sup>45</sup> эса 1944 йилда ташкил этилган, ушбу ҳуқуқий орган ҳужжатлари шаҳарнинг суд-ҳуқуқ масалаларини ёритувчи муҳим манба ҳисобланади. Шаҳар архиви сақловига (С-319-жамғармаси) дастлаб 1944-1969 йиллар учун 489 сақлов бирлигида ҳужжатлар, 1970-1995 йилларга оид 416 сақлов бирлигида йиғмажилдлар қабул қилинган. Булар асосан Тошкент шаҳар прокурорининг буйруқлари, маърузали ёзишмалари, прокуратуралар иши бўйича маълумотлар, бухгалтерия ҳисоботлари, штатлар жадваллари, ходимлар бўйича ҳисоботлар, 1981-1982 йиллар прокуратуралар ишининг умумий муҳокама ҳисоботлари, маълумотлари, таҳлиллари, 1982-1983 йиллардаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар координацион йиғилишининг баённомалари, 1990-1993 йиллар жамоа йиғилишлари материаллари, 1995 йил шаҳар ва туман прокуратураларининг фаолиятлари ҳамда статистика ҳисоботларидан иборат.

Жамғармалар таҳлиliga кўра, совет даврида Тошкент шаҳар прокуратураси билан бир қаторда район прокуратуралари ҳам фаолият кўрсатган. Дастлаб, 1929 йилда Куйбишев район прокуратураси (С-229-жамғарма<sup>46</sup>) ташкил этилган. XX асрнинг 30-йилларига келиб, Сталин район (С-223-жамғарма<sup>47</sup>), Киров район (С-51-жамғарма<sup>48</sup>), Октябрь район (С-279-жамғарма<sup>49</sup>), Ленин район (С-50-жамғарма<sup>50</sup>) прокуратуралари вужудга келган бўлса, 40-йилларда Москва (С-244-жамғарма<sup>51</sup>) ва Фрунзе район прокуратуралари (С-369-жамғарма<sup>52</sup>), 1960-1970-йилларда эса Чилонзор (С-234-жамғарма<sup>53</sup>), Сергели (С-367-жамғарма<sup>54</sup>), Ҳамза

---

<sup>43</sup> Дармонова М. А. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотнома. – Т.: Пm-ziyo-zakovat, 2019. – Б. 133-140.

<sup>44</sup> ТШМДА, С-60-жамғарма, 1-сон рўйхат, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар, 1925-1969 йиллар учун, 1-5-варақлар.

<sup>45</sup> ТШМДА жорий архиви. Тошкент шаҳар давлат архиви доимий жамғармалар ва ҳужжатлар ҳисоби тўғрисидаги маълумот, 21-22 варақлар.

<sup>46</sup> ТШМДА, С-229-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-3 варақлар.

<sup>47</sup> ТШМДА, С-223-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-2 варақлар.

<sup>48</sup> ТШМДА, С-51-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-варақ.

<sup>49</sup> ТШМДА, С-279-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-варақ.

<sup>50</sup> ТШМДА, С-50-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 2-варақ.

<sup>51</sup> ТШМДА, С-244-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-2 варақлар.

<sup>52</sup> ТШМДА, С-369-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 2-варақ.

<sup>53</sup> ТШМДА, С-234-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-варақ.



(С-368-жамғарма <sup>55</sup> ) ҳамда Собир Рахимов район (С-372-жамғарма <sup>56</sup> ) прокуратуралари ҳам ўз фаолиятларини бошлаган.

Ушбу бобнинг “*Иқтисодий жараёнларга оид жамғармалар таснифи*” деб номланган иккинчи параграфида халқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари кенг қамровли бўлганлиги сабабли, уларни режалаштириш ва статистика, молиялаштириш, ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт, савдо-сотиқ, коммунал хўжалиги ва маиший хизмат каби тармоқларга бўлиб таҳлил қилинган ҳамда шу йўналишлардаги архив жамғармалари таснифланган.

Тошкент шаҳар Халқ хўжалиги Совети ((Ташгорсовнархоз) С-23-жамғарма), Шаҳар Режа комиссияси <sup>57</sup> (С-7 жамғарма), Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг (С-28-жамғарма) йиғмжилдлари сақланган бўлиб, ушбу ҳужжатлар шаҳарнинг халқ хўжалигини ўрганишда муҳим манба саналади.

Шунингдек, архивдаги Савдо бошқармаси (С-37<sup>58</sup>), Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоларини ишлаб чиқариш департаменти (М-660), Молия бош бошқармаси (С-42) ва молия бўлимлари (С-18, С-29, С-17, С-20, С-16, С-386, С-565, С-15, С-280, С-558, С-225, С-519, С-559, М-615, М-644, М-596, М-597, М-645, М-595, М-558), Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармаси (М-651), Иқтисодиёт бош бошқармаси (М-648), Халқ банки (М-559), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М-584), Ўзбекистон Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М-643) жамғармаси, шунингдек, саноат корхоналари ( заводлар, фабрикалар, комбинатлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари), қурилиш ташкилотлари (С-36, С-355, С-101, С-226, С-576, С-563, С-577, М-610), логистика ва коммуникация тизими (С-340, С-134, М-616, С-246, С-282, С-245, С-283, М-614, М-668, М-650, М-652, М-671) муассасаларининг жамғармалари мавжуд бўлиб, ушбу жамғармалардаги ҳужжатлар Тошкент шаҳрининг иқтисодий жараёнларини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур бобнинг “*Ижтимоий-маданий ҳаётга оид жамғармалар таҳлили*” деб номланган учинчи параграфида маданий-маърифий муассасалар, соғлиқни сақлаш ва касаба уюшмалари муассасалари, халқ таълими бўлимлари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва интернатлар, ўрта махсус ўқув муассасалари, олий таълим муассасалари, ишчи факультетлар, ўқув курсларининг жамғармалари классификация қилинган.

Архив сақловида маданий-маърифий муассасалар жумладан, Шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитети (С-281 жамғарма<sup>59</sup>), Маданият ишлари бош бошқармаси (С-539 жамғарма) ва районлардаги Маданият бўлимларининг (С-537, С-540, С-541, С-543, С-545, С-607) жамғармалари мавжуд<sup>60</sup>. Уларда асосан,

---

<sup>54</sup> ТШМДА, С-367-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-2 варақлар.

<sup>55</sup> ТШМДА, С-368-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-варақ.

<sup>56</sup> ТШМДА, С-372-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1-3 варақлар.

<sup>57</sup> ТШМДА, С-7-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 2-варақ.

<sup>58</sup> ТШМДА, С-37-жамғарма, Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 1-сон рўйхати, 1930-1970 йиллар учун.

<sup>59</sup> Ушбу жамғармада 1973-1991 йилларга доир 201 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланмоқда.

<sup>60</sup> Дармонова М. А. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви жамғармалари бўйича маълумотнома. – Т.: Ил-зиёо-заковат, 2019. – Б. 71-73.

Тошкентда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича йиллик иш режалар ва ҳисоботлар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда жисмоний тарбия ҳамда спортни тарғиб қилиш бўйича ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар, клуб ва кутубхоналарда, боғларда санитария-профилактика тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар акс этган.

Шаҳар архивида совет даври соғлиқни сақлаш муассасаларининг 8 та ва касаба уюшмаларининг 26 та жамғармалари мавжуд. Мустақиллик даврига оид тиббий муассасаларнинг жамғармалари Ўзбекистон Илмий-техникавий, тиббиёт ҳужжатлари Миллий архивида сақланади.

Мактабгача таълим муассасаларига оид маълумотлар асосан Тошкент шаҳар Болалар назорат президиуми (С-251) жамғармаси ҳамда Халқ таълимининг шаҳар (ГОРОНО – С-13) ва туман (РайОНО) бўлимлари жамғармаларида сақланади.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бўлими (С-13<sup>61</sup>) жамғармаси ва туман халқ таълими бўлимлари (С-19, С-21, С-22, С-23, С-24, С-25, С-26, С-27, С-172, С-310, С-387, С-394, М-583, М-591, М-592, М-594,) жамғармаларида шаҳарда ташкил этилган жами совет ва мустақиллик йилларига доир мактаблар фаолияти, мактабларни ташкил этиш бўйича қарорлар, ўқувчиларнинг рўйхатлари, дарсликлар билан таъминланган ўқувчилар ҳамда мактабда дарс берган ўқитувчи ва ходимларнинг рўйхатлари, ўқитувчиларнинг мукофот пули олганлиги ҳақидаги маълумотлар, ўқувчилар ва ўқитувчилар йиғилишлари баённомалари, мактабнинг молиявий ва асосий фаолияти бўйича йиллик ҳисоботлари, ўқитувчиларнинг назорат журналлари, мактабни битирганлик тўғрисидаги маълумотномалар сақланган. Улар орасида синф конференциялари ва мактабнинг умумий йиғилиши баённомалари, турли ёзишмалар тарихий манба сифатида алоҳида қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, шаҳар архивида 18 та мактаб, 19 та меҳрибонлик уйлари ва интернатлар, 21 та техникум, 10 та билим юрти, 4 та академик лицей (М-657, М-658, М-619, М-665), 2 та коллеж (М-649, М-658), 2 та ишчилар факультети (С-52, С-257), 2 та ўқув курслари (С-80, С-83) ва 26 та олий таълим муассасаларининг жамғармаларида МАФ ҳужжатлари мужассамлашган.

Олий таълим муассасалари жамғармалари таркибидаги профессор-ўқитувчиларнинг шахсий таркиб йиғмажилдлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан Тошкент шаҳридаги институтлар ва университетлар жамоат ҳаётида фаол иштирок этган ўқитувчиларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг педагогик фаолияти, илмий изланишлари (номзодлик ва докторлик йўналишида олиб борган тадқиқотлари) натижасида республика фанлар ривожига қўшган ҳиссалари, илмий нашрлари ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин.

Диссертациянинг **“ТШМДА жамғармаларида ХХ аср тарихининг муҳим воқеаларига оид туркум манбалар”** деб номланган учинчи бобида совет ҳокимиятининг национализация ва “қулоқлаштириш” сиёсатида оид манбалар, Ўзбекистонни Иккинчи жаҳон урушига қўшган ҳиссаси ва 1966 йилги zilзила

---

<sup>61</sup> Справочник по фондам государственного архива г. Ташкента. / Редактор Д. Г. Остроумова. УзНИИНТИ. – Т., 1990. – С. 40-41.

ҳамда шаҳар қурилишига оид архив ҳужжатлари тарихий ва манбавий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг “*Совет ҳокимиятининг национализация сиёсати оид архив манбалари*” деб номланган биринчи параграфда Тошкент шаҳридаги хусусий уй-жойлар, мулклар ва бошқа турдаги объектларни национализация қилиш сиёсати оид маълумотлар жамланган ҳисобот ҳужжатлари таҳлил этилган.

Давлат ҳокимияти ва маҳаллий вакиллик органлари жамғармаларидаги ҳоким қарорлари ва йиғилиш баённомаларида 1917-1956 йиллар давомида муниципаллаштирилган уй-жойлар <sup>62</sup>, бинолар, ерлар, ҳаммом <sup>63</sup> ва меҳмонхоналар <sup>64</sup> тўғрисидаги жуда кўплаб материаллар мавжуд.

Ҳужжатлар таҳлилидан маълум бўлишича, хусусий шахсларнинг мулклари бепул ёки мол-мулкни қийматини тўлаш шарти билан мажбурий равишда (реквизиция асосида) давлат ихтиёрига олинган. Жумладан, 1918 йилда Юсуф Довидовга тегишли бўлган Тоғли ҳудуд бўлими Незстебельский кўчасидаги 5-дала ҳовли (дача) реквизиция қилинган <sup>65</sup> бўлса, Х.Пасильдинга тегишли бўлган уй-жой (майдони 151 м<sup>2</sup>, баҳоси 12069 рубль) муниципаллаштирилган <sup>66</sup>.

Шаҳар архивида сақланаётган маълумотларнинг кўрсатилишича, нафақат уй-жой, балки хусусий меҳмонхоналар ҳам муниципализация қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам акс этган. Масалан, “Националь” меҳмонхонаси (26 октябрь 1935 йил 41-сонли йиғилиш баённомаси, 1138-сонли қарорга асосан) <sup>67</sup> ва бошқа меҳмонхоналар Тошкент шаҳар Совети ихтиёрига берилган.

1918 йилдан совет ҳукумати Туркистондаги саноатнинг бутун-бутун тармоқларини национализация қилишга ўтган. 1918 йилнинг биринчи ярмида ўлка саноатининг етакчи тармоқларидан корхоналар – пахта тозалаш, ёғ-мой ва бошқа заводлар <sup>68</sup>, мавжуд барча пахта хом-ашё захиралари, шунингдек, транспортлар, босмахоналар, банклар, темир йўллар, кўмир конлари, нефть конларининг бир қисми, саноатнинг бошқа тармоқларидаги айрим корхоналар национализация қилинган.

